

**Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва юридик шахслар учун маиший  
чиқинди (М.Ч) ларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш  
ҚТ/22- 14 -сонли ШАРТНОМА**

« 28 » 01 2022 йил

Марғилон шаҳри

Бунда буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи низом асосида фаолият олиб борувчи Фарғона вилояти Марғилон шаҳар **“VODIY MAXSUS SANITAR TRANS” МЧЖ Қўштепа туман филиали** биринчи томондан бошлиғи **К.Эгамбердиев** бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб низом асосида фаолият олиб борувчи **Қўштепа туман 2-ИДУМ** номидан раҳбар **Н.Мадаишев** иккинчи томонидан, қўйдагилар тўғрисида шартнома туздилар:

**1. Шартноманинг мазмуни.**

1. “Буюртмачи” қаттиқ маиший чиқиндилар (бундан буён ҚМЧ деб аталсин) ни топширади “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига “Буюртмачи” томонидан махсус белгиланган жойга йеғилган ҚМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида тўловларни тўлаб бериши шарт.

1.2. ҚМЧ ларнинг умумий ҳажми бир йилига 3 м3 суммани ташкил этади.

**2.Хисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1. Ушбу шартномани имзолар пайтидаги амалдаги нарх хар бир м3 МЧ учун 46 000 сўм. 2.2.

Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 138 000 (Бир юз ўттиз саккиз минг) сўмни ташкил этади.

2.3. Хисоб-китоб ҳисоб рақамига ўказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Шартноманинг 2.1-бандида қайд этилган маълумотлар тарифлар ўртасида ҳисоб-китоб учун асос ҳисобланади. Мазкур шартноманинг 1.1-1.2-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоб шартноманинг 9.2 банди талабларига риоя этилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

2.4. Хар ойнинг 10 санасигача кейинги ойнинг режавий иш ҳажмига (бюджет ташкилотларида шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб олдиндан 30% тўловларни амалга ошириш. “Буюртмачи” томонидан қолган 70% тўлов “Ижрочи” томонидан хизмат тўлиқ кўрсатилиб, ҳисоб фактуралари тақдим қилингандан сўнг тўлаб берилади.

2.5. Хар ойнинг 10 санасигача ўтган ҳисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига тўлов талабномаси (бажарилган иш далолатнома) юбориш йўли билан банк орқали акцептсиз ўтказиб бериш.

**3. “Буюртмачи” мажбуриятлари:**

3.1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутилари олиб чиқиб ташлаш белгиланган.

3.2. ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар ва шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир маротабалик шартнома тузиш.

3.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига афтомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доим соз ҳолатда сақлашни таъминлаш.

3.4. ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доим назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда (+99891) 325-67-63, (+99890) 290-92-76 телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”га маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини “Ижрочи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

**4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлар**

4.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.2. “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.3. Хар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюртмачи” ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

4.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушганидан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишларда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

**5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда “Ижрочи”га пеня тўлайди. Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилиги иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатномани айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. “Ижрочи” ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

5.3. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод етмайди.

5.4. Ушбу шартномада кўрсатилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланади.

### 6. Шартнома муддати

6.1. Мазкур шартнома “28”. “01”. “2022” йилдан бошланиб, “31”. “12”. “2022” йилда тамомланади.

### 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилади.  
7.2. Тарафлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган судгача келишмовчиликларни ҳал этиш чоралари (талабнома юбориш ва х.к) кўрилгунга қарамай низи ўзаро ҳал етилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда низони ҳал этиш учун тегишли тартибда Фарғона вилояти Иқтисодий судига мурожат этилади.

### 8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1. Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд ҳолатлар (шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш ҳолати тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) ҳамда Хукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларни бажарилишига тўсқинлик қилишига олиб келганда, бу ҳолатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки hafta олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилган ҳолдагина ушбу ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатда тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

### 9. Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тартиби

9.1. Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин.  
9.2. Мазкур шартнома хар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий деб топилиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.  
9.3. Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, хар бири юридик кучга егадир. Шартнома бир дондан хар бир тарафда сақланади.

### 10. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари

“БУЮРТМАЧИ”

Ижрочи

2-иДУМИ  
Қўшимча шулган  
Манзили: Қўшимча ш.ф.ч  
Телефон:  
Х/Р: 100021860302064092300075001  
ИНН: 206889094

“VODIY MAXSUS SANITAR TRANS MCHJ

Манзил: Марғилон шаҳар Мустақиллик 466/2  
Х/р: 20208000200291916001  
МФО: 00991  
Банк номи: Марғилон “Хамкор” банк  
ИНН: 302870713  
Мурожат учун телефон

(+99895) 402-44-87

Молия вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/р: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.Б.Б.  
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар:

Н. Мадашев

Филиал раҳбар:

К. Ғамбардиев

### Юридик ҳулоса

Тузилаётган шартнома лойиҳасини ҳуқуқий экспертизасини “Хўжалик юритувчи объектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунинг 10,20,21-моддаларига биноан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.

Шартнома предмети, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлар, жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа зарур шартлар белгиланган. Шартнома реквизитлари тўлиқ тўлдирилган. Шартнома тарафлар номидан шартномани имзолочилар ваколатлари ўрганилиб, шартнома тузишга ваколатлилиги аниқланди. Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда тузилди ва шартнома бўйича тарафлар ўзаро хўжалик алоқаларини йўлга қўйиб мафаатли ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин.

Ҳулоса сифатида шартномани имзолаш мумкинлиги аниқланди.

Ҳуқуқшунос:

В. Қошимова

